821
Т-34

Адҳам ТУРСУНҚУЛОВ

# СИРЛАРИНГНИ БИЛМАДИМ



АДҲАМ ТУРСУНҚУЛОВ

# СИРЛАРИНГНИ БИЛМАДИМ

Тошкент — «ZAR-QALAM» — 2005

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

84
1647

Адҳам Турсунқулов Ангреннинг тоғли Эртош қишлоғида туғилган. Бобоси Иймонқул бованинг туғма истеъдоди — бахшилиги ана шу шоиртабиат набирасига тушган бўлса не ажаб. Унинг ҳар каломида шеърий жумлаларни ишлатиши, мисралар тилига қуйилиб келиши кўнглида шеъриятга ихлос уйғонишида туртки бўлганлиги аниқ.

Адҳамжон шеъриятда ўзини илк бор синаб кўраяпти. Унинг қаламига мансуб ашъорлар ўзининг самимияти, содда ва равонлиги билан ажралиб туради. Зотан, шеърни севган дўлвор ва чапани қалбда ҳали кўз очмаган тиниқ булоқлар кўп. Биз унинг кейинги тўпламларида бундан-да гўзал ва мумтоз шеърлар билан қалбимизга кириб келишига ишонамиз.

ISBN

© «ZAR-QALAM», 2005 й.

* * *

Мен бу дунёни
тегирмон билдим,
Гўё тегирмонда
бутун дон бўлдим.
Эзилдим, янчилдим,
имтиҳон бўлдим,
Эландим, беландим,
азиз нон бўлдим.

## ВАТАН — ОРИМ МЕНИНГ

Дунёда Ватан деган улуғ бир сўз бор,
Унинг қадр-қимматин англамоқ даркор.
Ватан — бахт маскани, туғилган гўша,
Кимлар унинг ҳатто тупроғига зор.

Ватан — бизлар учун муқаддас она,
Бир оила, юрт эса пок остона.
Ватан бу — бизларнинг имонимиздир,
Гард юқмаган тоза виждонимиздир.

Ватан — бизлар ўсган жаннати бир боғ,
Ватан — бизлар учун улуғ саждагоҳ.
Ватан бу — аслида менинг юрагим,
Бахтлиман, шу элга бўлса керагим.

Ҳар қарич ери-ю ошёни унинг,
Ҳис-ҳаяжон, вужуд, борлиғим менинг.
Уни таърифлашга тилларим ожиз,
Билмадим, не бўлар тақдирим усиз?

Тузу насибангга шукур, эй Аллоҳ,
Ватан бағридаман шоду хушнуд, чоғ!



## ҲУРРИЯТ

Бобомнинг орзуси бўлмади увол,
Момом бу кунларни қиларди хаёл,
Боболарим ётган замин, қулоқ сол,
Мен бугун бахтлиман, бахтдан тилим лол,
Яшасин истиқлол, яша истиқлол!

Содиқ ўғлон бўлай, она Ватанга,
Қўлим чўзсам етар, бутун жаҳонга,
Етдим отам орзу қилган армонга,
Аждодларим руҳи шод бўл, қулоқ сол,
Яшасин истиқлол, яша истиқлол!

Бу бахтли кунларга етмаганлар бор,
Балким бу кунларни кутмаганлар бор,
Бу ҳурликка шукур этмаганлар бор,
Оллоҳим, уларни ўзинг йўлга сол,
Яшасин, истиқлол, яша истиқлол!

Бир умр бу кунни халқ орзу қилган,
Эрк деб Қаҳҳор, Чўлпон, Фитрат отилган,
Ҳурлик не қурбонлар қонига келган,
Тилагим Ҳуррият, бир умрга қол,
Яшасин, истиқлол, яша истиқлол!

Ўзлигинг ўзингга ярашар, халқим,
Кимлар ҳавас билан қарашар, халқим,
Мардлар юрти учун курашар, халқим,
Боболар мероси бўлмасин увол,
Яшасин, истиқлол, яша истиқлол!

* * *

Етди бугун Тангримга халқим нидоси,
Бугун бўй кўрсатди минг йиллик илтижоси.
Минг дардга даво эрур унинг обу-ҳавоси,
Қўлласин энди, Одам Ато, Момо ҳавоси.

Эрк деган буюк неъмат насимдек эсиб келди,
Нечалар тобеликдан, қулликдан безиб келди.
Шукрни тилдан қўйманг, имонни дилдан қўйманг,
Истиқлол отлиғ лашкар асрлар кезиб келди.

Кўксига шамол теккан элим, қаддинг баланд тут,
Тупроғингни асрагин, дилни дилга пайванд тут,
Ўтганларнинг руҳи шод, эрки бор элдир обод,
Истиқлолинг авайла, номи бўлсин, маҳкам, бут!



## СЎЗ СЕҲРИ

Сўзнинг сеҳри кўп бўлар,
Сўз дунёни гул қилар,
Ширин сўз гоҳ шоҳни ҳам
Эплаб айтсанг — қул қилар.
Ширин сўзнинг сеҳри бор,
Унда Оллоҳ меҳри бор.
Ширин сўзли одамнинг
Ҳар даврада ўрни бор.

Ширин сўз қудрати зўр,
Илон индан чиқармиш,
Ёмон гап билан ҳатто
Пичоқ қиндан чиқармиш.
Ширин сўзланг, азизлар,
Пичоқ қиндан чиқмасин.
Ҳар ким бўлсин мусулмон,
Асло диндан чиқмасин.

Бир сўз билан Алишер
Бу дунёни забт этган.
Битта аччиқ сўз билан
Не-не юртга дарз кетган.
Одамлар бор, майда гап,
Диёнатни унутган.
Ёлғон сўзга инониб,
Авлодини қуритган.

Оқибат бўлсин боқий,
Меҳр сира сўнмасин.
Дунё ўткинчи, фоний,
Яхшилик ҳеч ўлмасин.
Диёнатга ташна дил,
Зиёга талпинар йўл.
Бўлайлик мангу оқил,
Покликка тўлсин кўнгул.

## ОМОНАТ

Аслида дунёда омонат одам,
Омонат отаму, омонат онам.
Омонат шодлигу омонатдир ғам,
Омонат бойлигим, омонат болам.
Яратганга қилинг, тоат-ибодат,
Сиз ҳам омонатсиз, биз ҳам омонат!

Кенг дунёга сиғмай кетса давлатинг,
Ҳатто кўкни бузса, кучу қудратинг.
Оламни забт этса чирой, савлатинг,
Оллоҳга шукур эт, бордир фурсатинг.
Эй инсон, керилма, қилма салобат,
Чирой ҳам омонат, давлат омонат.

Дунё ҳеч кимсага қилмайди шафқат,
Эртага сен, менга келади навбат.
Инсон, виждонингга қилма хиёнат,
Қолсин одамийлик, қолсин оқибат.
Қачондир келади, ахир қиёмат,
Яхши ҳам омонат, ёмон омонат.

Омонат дунёнинг эй, одамлари,
Омонат ғамлари ва аламлари.
Армонда ўтди-ку, неча шоҳ-султон,
Яшамади мангу, қолди номлари.
Зулм айламоқ нечун, нечун қабоҳат,
Гадо ҳам омонат, шоҳ ҳам омонат.

Одамзот дунёга устун бўлмайди,
Мол-дунё ҳеч кимга вафо қилмайди,
Тупроқ тўлмагунча бу кўз тўймайди,
Бир кам дунё дея, бойлар йиғлайди,
Мол-мулкинг омонат, қилма хиёнат,
Сен ҳам омонатсан, мен ҳам омонат!



## ЭЛ СЕВГАН ШОИР

*Устоз Муҳаммад Юсуфга*

Шеъриятнинг буюк юраги,
Ўзбекларнинг сўнган тилаги,
Кучга тўлган чоғда билаги,
Эрта кетган устоз Муҳаммад.

Орзулари ўзида кетган,
Одамийлик сўзида кетган,
Умри кузмас, ёзида кетган,
Чўлда чўлпон юлдуз Муҳаммад.

Санъатимиз юлдуз айлаган,
Юлдузларни элга жойлаган,
Мевасини узоқ пойлаган,
Ҳосил кўрмай кетган Муҳаммад.

Нима бўлди, юлдузинг сўнди,
Муҳриддину Охун йўқ энди,
Санъатимиз оғир хўрсинди,
Қўшиқларда нафас Муҳаммад.

Фарзандларга меҳрингиз берсин,
Охиратда динингиз берсин,
Менга сизнинг йўлингиз берсин,
Шеърларимда султон Муҳаммад.

## СЎНМАС ЮЛДУЗ

*Охунжон Мадалиевга*

Қўшиқлари армон билан йўғрилган,
Йўқ, бу Ҳофиз ўчмас бўлиб туғилган.

Эдинг водий узра санъатнинг гули,
Фарғонанинг жўшқин булбули,
Севимли халқимнинг суюкли ўғли,
Охунжон, сени халқим унутолмайди.

Санъатни ҳеч қачон бўғиб бўлмайди
Санъаткор ўтса ҳам, қўшиқ ўлмайди.
Яратганнинг ўзи сени қўллайди,
Шўх торингда шогирдларинг куйлайди.

Қўлдадир устознинг табаррук сози,
Шогирдларда қолди ўчмас овози,
Ҳар жойда бор экан тошу тарози,—
Охунжон, бизлардан мудом бўл рози.

Санъатда шундайин саодат бўлур,
Санъаткор ўтса ҳам қўшиғи қолур.
Қўшиқлар қалбларни ларзага солур,
Санъаткор ҳеч қачон унутилмайди.



## ОНАЖОН

Суратга қарайман ёқам ушлаб лол,
Сиздан қолди фақат ширин бир хаёл.
Яратганим, ибодатим бўлмасин увол,
Аллоҳим, онамни раҳматингга ол.

Онам борлигида турмуш эди бол,
Яшардик ташвишсиз, ғамсиз бемалол,
Мусичадай масъум, имонли аёл,
Аллоҳим, онамни раҳматингга ол.

Тақдир сизни биздан эрта айирди,
Пешонага етимликни буюрди.
Изларингиз кўзга сурай, онажон,
Ҳеч бўлмаса тушда кўрай, онажон.

Бағрим куяр, энди қайтиб келмайсиз,
Укам, сингилларим тўйин кўрмайсиз,
Қабрда ҳам бизга умр тилайсиз,
Жаннат сизга насиб этсин, онажон.

Соғиниб уйғонаман, сиз-чи билмайсиз,
Тушларимда чақирсам, парво қилмайсиз,
Неварангиз саволига жавоб бермайсиз,
Мен уларга қандай жавоб берай, онажон?!

## ИЗТИРОБ

Нақадар оғирдир она қазоси,
Етмаскан фарзанднинг ҳурмат адоси.
Оналарни ҳоритган, ҳатто бевақт қаритган,
Гумроҳ фарзандларнинг аччиқ хатоси.
Волидам, азизу меҳрибоним ҳам,
Бу дунёда беш кунлик меҳмоним экан.
Наҳот, изингизни ҳеч тополмасман,
Қуёшсиз қолдиму, юпун ва бешаън.
Қанча нур сочмасин оламга Қуёш,
Бир қуёш кам эрур Адҳамга, дилдош!

## АЛМАШМАЙМАН

Бу дунёнинг борлиғини
Ўзингизга алмашмайман,
Ғаму алам қувончини
Кулгингизга алмашмайман.

Онажоним — меҳрибоним,
Бу дунёда ёлғизимсиз.
Шоҳлар босган довонларни
Изингизга алмашмайман.

Сиз онамсиз, волидамсиз
Ва Маккаю Мадинамсиз.
Бойлигимсиз, хазинамсиз,
Жаннатимсиз, фариштамсиз.

Бу дунёни жаннат десам,
Ҳурларига алмашмайман.
Ҳаёт саҳро, бу саҳрода —
Карвонимнинг сарбонисиз,

Кўзларимнинг нурисиз
Ўғил-қизим имонисиз.
Бу ўткинчи дунёда бир
Ғариб кўнглим меҳмонисиз.

Сизнин шоҳу султон ўтган
Жаҳонларга алмашмайман.



## МАККАЮ МАДИНАМ ОНАМ

Пешонамда қўлларининг изи бор,
Қулоғимда айтган ширин сўзи бор,
Сўзи армон, энди қайда ўзи бор,
Айтинг, онажоним қайдан ахтарай?

Дастурхон ёзамиз — ўрнингиз бўшдир,
Суҳбатлар қураман, уйғонсам тушдир,
Наҳот онам энди армон бўлмишдир,
Айтинг, меҳрибоним қайдан ахтарай?

Қоларман сиғмайин бу кенг оламга,
Дардим айтолмайман тоғам, холамга,
Алла айтмадингиз менинг боламга,
Тангри раҳм этсин, энди Адҳамга!

Айтинг, аллангизни қайдан ахтарай,
Неварангиз бот-бот сизни сўрайди.
Ахир ҳеч ким, ҳеч ким сиздек бўлмайди,
Шод яшабман, онам сира ўлмайди.

Бадавлатман, сизсиз кўнглим тўлмайди,
Айтинг, хазинамни қайдан ахтарай?
Айтинг волидамни қайдан ахтарай?
Елдайин келдингиз, селдай кетдингиз.

Умр бўйи бизни ўйлаб ўтдингиз,
Айтинг, биздан айтинг, нима кутдингиз,
Энди ўзингизни қайдан ахтарай,
Ширин сўзингизни қайдан ахтарай?!

## ОҚИБАТ

Эй инсонлар инсон бўлиб яралганмиз, қуш эмас,
Бизда меҳру оқибат бор, кўкларда учиш эмас.
Тушкунликка тушса биров, устидан кулиш эмас,
Ё ҳаётдан кўз юмганда изсиз унутиш эмас.

Не маъни бор, айтинг, унда бу ҳаётда яшашдан,
Ғаму алам ўз ҳукмини ўтказаркан бесўров.
Одамларни тарк этмасин, оқибату диёнат,
Иймон балқсин юзларидан, қалбга қўнмасин қиров!



## ЖОН БЕРГАН ОНАМ

Сиз менга жон бергандингиз,
Сизга жоним беролмадим.
Белингиздан қувват кетди,
Сизга мадад бўлолмадим.

Суяндингиз жонсиз чўпга,
Мен қолдиму изтиробга,
Наҳот ўшал хассачалик —
Бир оқибат қилолмадим.

Бошим узра соябоним,
Оғрисам жони қурбоним,
Шифокорим, халоскорим,
Сиз Ҳазратим, сиз Султоним.

Ишонганим пок иймоним,
Ғариб кўнглимга меҳмоним,
Якка-ёлғиз меҳрибоним,
Онажоним - онажоним.

Оқ ювиб оқ тарадингиз,
Меҳр билан қарадингиз,
Улғайишим умид қилиб,
Оқшом кунлар санадингиз.

Менга бериб танда жону
Вужуд, қош, тиш, кўзингизни,
Бахтим, дея қаридингиз,
Унутдингиз ўзингизни.

Сочларингиз қордек оппоқ
Мен қора соч бўлолсам.
Оғзингизда тиш қолмади,
Жағингизга тиш бўлолсам.

Шу елкамда ул Маккага,
Етти марта олиб борсам,
Қани энди бир кечалик —
Бедорлигингиз узолсам.

## БУЮКЛИК ТИМСОЛИ

Ўн саккиз минг оламни яратган Оллоҳ,
Оналарни буюк қилдингу бироқ,
Жаннатни оёғи остида дединг
Ва дединг кўнглини ранжитмоқ гуноҳ.
Минг шукур Оллоҳим, кенгдир караминг,
Сенинг ўн саккиз минг тенгсиз оламинг,
Ахир ҳукмидадир ўшал онанинг,
Она устунидир ёруғ дунёнинг.
Агар бўлмаганда онадек хилқат,
Бўлмас эди адолату ҳақиқат.
Бизда бўлмас эди заррача шафқат,
Жангу жадал билан яшардик фақат.
Она бор — акамиз, укамиз деймиз,
Она бор — таомни тортишиб еймиз.
Бахтимизга омон бўлсин оналар,
Йўқса бир-биримиз гўштимиз еймиз.
Дунё тинчлигиям онадан фақат,
Она бор — бизларда меҳр-муҳаббат.
Оналар умрини зиёда қилган —
Яратган Оллоҳим Роббиул иззат.
Шу она бизларни дуо қилади ...



## ОТАМДАН ҚОЛГАН

Сизга маъюс боққан мунгли кўзларим,
Кўнглингиз овлаган ширин сўзларим,
Туриш-турмушим-у, сокин изларим,
Билсангиз аслида отамдан қолган.

Ортимдан қолажак ўчмас изларим,
Наслим давомчиси — ўғил-қизларим.
Еган ҳалол луқма нону тузларим,
Заҳматкаш, меҳнаткаш отамдан қолган.

Одамларга чексиз меҳрим, мурувват,
Билагимда кучу белимда қувват,
Тугамас давлату баҳайбат савлат,
Менга мерос бўлиб отамдан қолган.

Уйдан узилмаган азиз меҳмоним,
Муқаддас диниму ва пок имоним,
Оллоҳ олдидаги омонат жоним,
Барчаси-барчаси отамдан қолган.

Топсам бурда ноним садқа жонларим,
Элга ёзаётган дастурхонларим,
Етган орзум, етмаган армонларим,
Армон-ла ёш кетган отамдан қолган.

Элим, гоҳида қув, гоҳ чин омилигим,
Бою камбағалга самимийлигим,
Камтарга камтарин, оддий қуллигим,
Аслида султоним — отамдан қолган.

1647

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

## МАҲАЛЛАМГА ЭҲТИРОМ

Орзу-ҳавас имоним,
Тўкилган киндик қоним.
Шу маконда улғайган —
Падарим — отажоним.
Қўшниларга қўшилиб,
Киришу чиқиш қилиб,
Маҳалламда улғайиб,
Бахт топган онажоним.

Агар йўлдан адашсам,
Йўлга солган — маҳаллам.
Оғир-енгил кунимда,
Ҳолим сўрган — маҳаллам.
Қўни-қўшни бир бўлиб,
Ота бўлган — маҳаллам.
Биров ёмон деса ҳам,
Яхши кўрган — маҳаллам.

Бир майизни барчаси,
Қирққа бўлиб ейдилар.
Агар бир иш бошласам,
Менга омад дейдилар.
Тўрт кун, беш кун кўрмаса,
Хавотирда изларлар.
Номига доғ туширсам —
Отам каби музларлар.

Маҳалланг иноқ бўлса,
Оқибатинг зўр бўлар.
Маҳаллага қўшилган,
Бахту иқболин кўрар.
Расулуллоҳ айтади:
Оқибатли бўлинглар.
Таянчи йўқ тоғ ҳатто,
Бир кун чўкиб йўл бўлар.



## ОТАМ ХОТИРАСИГА

Дўстлар қўлга олиб бугун торимни,
Ёдга олай, падари бузрукворимни.
Тўкиб бугун юракдаги боримни,
Шу тор билан чиқарай хуморимни.

Сиз кетдингиз, уйимиздан файз кетди,
Ишкомга ҳам қўл тегмади, отажон.
Онам кўкка қараб оҳ-фарёд чекди,
Сизсиз қайғу бошимизни хам этди.

Дерлар, ахир отаси бор отланмас,
Онаси бор тепганда ҳам тебранмас,
Бу дунёда ёлғиз етим мен эмас,
Етим кўрган кун-чи, асло кун эмас.

Қабрингизга бордим, гуллар унибди,
Капалаклар гулдан-гулга қўнибди.
Мен соғиндим, руҳингиз шод бўлибди,
Хотирингиз ёдда порлаб турибди.

Ҳеч кимнинг отаси ўлмасин экан,
Ҳеч кимса отасиз бўлмасин экан,
Бу ёруғ дунёда ҳеч кимса барвақт,
Отасиз, онасиз қолмасин экан.

Бахтиёр яшасин, ҳар бир ўғил-қиз,
Отаси-онаси қошида юрсин,
Ўйнасин, қувнасин, яйрасин, кулсин,
Падар-волидаси бағрида бўлсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ... АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

## БОШИМ СИЛАГАН

Отам бўлганида бошим силарди,
Қўл очиб ҳаққимга дуо қиларди,
Оғир кунларимда паноҳ бўларди,
Мен учун жон берган қурбоним отам,
Беминнат нон берган султоним отам.

Уйимиз сиз билан тўлиб турарди,
Онам ҳам беармон кунлар кўрарди,
Меҳмон эканингиз ким ҳам биларди,
Уйимиз безаган савлатим отам,
Бир умр йўқотган давлатим отам.

Ризқингизни қийиб бизга бергансиз,
Ўғлим, қизим, дея уйлар қургансиз,
Халқдан қолмайин деб, тўйлар қилгансиз,
Борин элга берган ҳотамтой отам,
Бир умр йўқотган бойлигим отам.

Ўзлигингиз мудом давом этади,
Меҳрингизни онам биздан кутади,
Айтинг, сизни, айтинг, ким унутади,
Бахтимизни кўрмай ўтганим отам,
Чин дунёга мангу кетганим, отам!



## ОТАЖОНИМ

Кечириб не кунларни,
Изтиробли йилларни,
Ўстирган пок дилларни,
Азизим отажоним.

Кўксида оппоқ соқол,
Сўзларида боли бор,
Пок лабзи ҳалоли бор,
Қадрдон отажоним.

Уйимизнинг қувончи,
Оиламиз ишончи,
Фарзандларнинг таянчи,
Меҳрибон отажоним.

Шукур қилиб Оллоҳга,
Қўл ургизмай гуноҳга,
Мени олган паноҳга
Устозим отажоним.

Сизни енгмаган уруш,
Сизга тан берган турмуш,
Юртимизда Алпомиш,
Арслоним отажоним.

Ҳаётимда бир қуёш,
Ҳар бир ишда маслакдош.
Менинг учун жафокаш,
Гавҳарим отажоним.

Узоқ бўлсин умрингиз,
Доимо соғ бўлингиз.
Қутлуғ бўлсин тўйингиз,
Азизим, отажоним.

## ЖАННАТИМ ОНАМ

Бу дунёда менинг бахтимсиз,
Ишонганим, тожу тахтимсиз,
Ҳаёт сўқмоғида адашсам,
Йўл кўрсатган ишонч, аҳдимсиз.

Оқшом эртак сўзлаган онам,
Кўнглимга йўл излаган онам,
Субҳидамда ҳар дам Оллоҳдан —
Умр сўраб бўзлаган онам.

Бир ниҳолман, сизга таянган,
Эркаланган, шодон суянган,
Алла айтиб бошимни силаб,
Куну тунлар, мен учун ёнган.

Кенг дунёга сиғмаган онам,
Зебу-забар йиғмаган онам.
Тобим қочса парвона бўлиб,
Бошларимда йиғлаган онам.

Баъзан кўнгил сўрай олмадим,
Шўхлик қилдим, қулоқ солмадим.
Хом сут эмган банда эканман,
Мангу бағрингизда қолмадим.

Пойингизда жаннатим, онам,
Сиз эkansиз шуҳратим, онам.
Бир бор тўйиб алла эшитсам,
Бўлса такрор фурсатим, онам,
Юрак тўла ҳасратим, онам!



## ДУО ҚИЛАСИЗ

Тупроқ олсанг болам, олтин бўлсин деб,
Олтин бошинг доим омон бўлсин деб,
Ризқинг буту, уйинг донга тўлсин деб,
Қалқоним бўласиз, кўнглим оласиз,
Умримни сўрайсиз, дуо қиласиз.

Сиз борсиз, отажон, тўкин дастурхон,
Оқибатдан мудом бутдир хонадон,
Бахтимизга омон бўлинг, отажон,
Имонимиз бўлинг, ҳам ишончимиз,
Биз - саккиз боланинг чин қувончисиз.

Сафарга отлансам — дуо оламан,
Фарзандимга ота, сизга боламан,
Қўрқаман, бир куни сизсиз қоламан,
Меҳмонимсиз ота, қадрим биласиз,
Сўнгги нафасгача дуо қиласиз.

Бу дунёда отасин кўрмаганлар бор,
Ота меҳри нима, билмаганлар бор,
Бир умр отасин излаганлар бор,
Отадан ҳеч дуо олмаганлар бор,
Ёнимда турасиз, паноҳ бўласиз,
Мен учун ҳамиша огоҳ бўласиз!

## БИЛАМАН БОРСАН

Вужудим қувончни сезади,
Юрагим дунёни кезади,
Тақдирим Оллоҳим тузади,
Қалбимни ишқ билан безади.
Сен ҳам мен учун интизорсан,
Биламан, қайдадир сен борсан.
Сен томон талпинар юрагим
Сенга ҳам бормикан керагим,
Ҳар дамда келади ўйлагим.
Лекин айт, мен кимдан сўрагум,
Сен қайси кўзлари хуморсан,
Биламан, қайдадир сен борсан.
Ишқ дашти бунча кенг бўларкан
Ким кирса гоҳ гангиб қоларкан,
Муҳаббат мўъжиза бўларкан
Тўсатдан хушингни оларкан,
Сен Лайли ё Ширин дилдорсан
Биламан, қайдадир сен борсан.
Сен учун айтай бу сўзимни
Унутиб қўймайин ўзимни.
Изладим ғарибга айландим
Сўқир қил, ол икки кўзимни
Сен бунча бераҳм озорсан,
Биламан, қайдадир сен борсан.



## МЕҲР КУЧИ

Ҳаёт узра меҳр қурол,
Бемеҳр инсонлар увол.
Ҳар бир ўзбек яшасалар,
Ўзларига бериб савол.

Ўзбек бўлсанг олийҳиммат,
Кўрсат меҳр ва мурувват.
Элинг учун эзгулик қил,
Меҳр эрур буюк қудрат.

Дегайлар-ку: меҳр кўзда,
Одамийлик ширин сўзда.
Имконимиз бордир бугун,
Яхшиликка сизу бизда.

Ўзбегим бўл мурувватли,
Доим меҳру-оқибатли.
Аёллари саодатли,
Бир имонли, диёнатли.

## АЁЛ МУҚАДДАС

Олам бахт — қувончи сенинг қўлингда.
Шоҳлар гадо бўлган ҳатто йўлингда.
Сенда бордир асли Тўмарис қони,
Биби Фотимаю Зуҳро имони.
Бизларга танитиб ёруғ дунёни,
Қалбларга бергансан меҳру зиёни.
Кимлар қилганда ҳам сенга душманлик,
Номинг сотиб этсалар ҳам манманлик,
Ҳатто қасд олмоқни қилмайсан хаёл.
Матонатинг қаршисида тилим лол,
Орзу-умидларинг бўлса ҳам увол,
Сен доим муқаддас, муқаддас аёл!

## БОЙ ҚИЗГА

Бу юрагим бой қизига бойланади,
Бой қизи ҳам мени кўрса тўлғонади,
Яқинлашсам отаси дод солади,
Бахт, муҳаббат наҳот пулга ўлчанади.

Гўзал дилдор сендан битта истагим бор.
Менинг сендан ўзга кимга керагим бор.
Бир муслимман, мусулмонман, ўртаҳолман,
Зардан зиёд тургувчи бу юрагим бор.

Ё Тангрим, етармикан сенга нолам,
Наҳот пулга ўлчанади бутун олам.
Бу дунёда муҳаббат бор, эзгулик бор,
Ғарибга ёр бўлган эди Шоҳсанам ҳам.

Бу дунёда бой, камбағал ўткинчидир,
Бой қизини севма демас кўнгил қурғур.
Энди жоним, иложини ўзинг қилғил,
Мен отангга бўлиб қолай Ғариб ўғил.



## ҚАЛБДАГИ ОЗОР

Бу қалбимда ёр-ёрларнинг озори бор,
Кўз олдимда муҳаббатнинг бозори бор.
Юрагимда асраганим гавҳаримнинг —
Бехабарман, ғойибдан харидори бор.

Ёр уйида ёр-ёр бўлди,
Муҳаббатим бозор бўлди.
Чайқовчиси ўзим бўлдим,
Ўзгалар харидор бўлди.

Мажнун бўлиб бу бозорни кезайинму?
Бошим суқиб, савдосини бузайинму?
Ишонганим ишқ қасрининг султонидан,
Нима қилай энди умид узайинму?

Эр йигитнинг сўзи, қизнинг ваъдаси бор,
Бу тақдирнинг мен тузмаган хатоси бор.
Тўй устида хаёт қурган онаси-ю,
Юрагимни яралаган отаси бор.

## ЁЛҒИЗ АЁЛГА

Ёлғиз аёл уйида ётарди бедор,
Қалбида ёрига айтар сўзи бор,
Кўзлари эшикка бўлиб интизор,
Эслайди ёрига берганин озор.
Бу дунё кимга кенг ва кимгадир тор.
Кимлар ёрга зору ким ёрдан безор.

Ношукур аёлнинг қўйнидаги ёр,
Ёнида гўзали эмас бахтиёр,
Бахт тўлиқ ва давлат бўлса ҳамки бор.
Ёр олтин балиқни қилар ихтиёр.
Бу дунё кимга кенг ва кимгадир тор.
Кимлар ёрга зору ким ёрдан безор.

Ёлғиз аёл бошини урган девор
Қаршисида турар бўлиб гуноҳкор,
Йўлакка қарайди йиғлайди зор-зор,
Ёри бориб ўчмаган излари бор,
Бу дунё кимга кенг ва кимгадир тор.
Кимлар ёрга зору ким ёрдан безор

Ношукур аёлнинг кўнгли тўлмайди,
Ёнида ёри-ю, кўзи ўйнайди.
Оллоҳ ёлғизликни асло суймайди,
Эртага не бўлар ўзи билмайди.

Бу дунё кимга кенг ва кимгадир тор,
Кимлар ёрга зору ким ёрдан безор.
Дейдилар: дунёни аслида бир кам,
Вафоли бўлишсин аёл, эркак ҳам.

Тиконни босмайин ва чекмасдан ғам,
Одамнинг қадрини билмайди одам.
Бу дунё кимга кенг ва кимгадир тор,
Кимлар ёрга зору ким ёрдан безор.



* * *

*Жуфти ҳалолим Насибага*

Қайга бормай кийим бошим тозадур,
Дўстларимга дастурхоним ёзадур,
Доим уйим у билан озодадур,
Уйимдаги менинг жуфти ҳалолим.

Келмай қолсам йўлларимга интизор,
Келганимда кутиб олар бахтиёр,
Минг шукурки, пешанамда ўзинг бор,
Уйимдаги менинг жуфти ҳалолим.

Бўлишади азобиму дардимни,
Қувонади кўриб шодлик, бахтимни,
Фахрланар опичлаб фарзандимни,
Уйимдаги менинг жуфти ҳалолим.

Баъзи вақтда ўзим билмай қоламан,
Бошларингга не савдолар соламан.
Эҳ, шунда ҳам азиз бўлиб қоламан,
Уйимдаги менинг жуфти ҳалолим.

Ишон жоним, сен менга ягонасан,
Менга малак, фарзандимга онасан.
Куйдирсам ҳам мени дея ёнасан,
Уйимдаги менинг жуфти ҳалолим.

Жафокашим, олдингда кўп гуноҳим,
Сен омон бўл ва асрасин Оллоҳим,
Сенинг билан тўлиб турсин қучоғим,
Уйимдаги менинг жуфти ҳалолим.

## КУМУШЛАР БОРМУ?

Бир кўрганда юрагингиз жиз этган,
Сўзлаганда ўзни буткул унутган.
Йироққа кетсангиз интизор кутган,
Азобларга сабр қилишлар борми?
Кўйишлар, ёнишлар, Кумушлар борми?

Гўзаллигин эл-юрт, жаҳон тан олган,
Ақл идрокидан афсона қолган.
Тўмарис, Ойбарчин авлоди бўлган,
"Сиз ўшаму", дея кулишлар борми?
Бизнинг замонда ҳам Кумушлар борми?

Орзуга айланган муҳаббатинг бор,
Эр йигитни қилма бахт йўлида зор.
Йўлларингга бўлай, ўзим интизор,
Имон, виждон ила севишлар борми?
Айтинг, мен излаган Кумушлар борми?

Ишонмаган тухмат, ёлғон, бўҳтонга,
Юрагин бахш этган битта инсонга.
Отабеги айланган тушу армонга,
Ёрни дея жонни беришлар борми?
Кундош-ла кун кўрган Кумушлар борми?



## УЧРАТДИМ БИР БОР

Ростин айтсам ҳаётда учратдим сени бир бор,
Бу дунёда йўкдайин сендан ўзга дилдор.
Сени илк кўрган кун мен эдим-ку бахтиёр,
Наҳот, энди ўша кун қайтмайди яна такрор.

Наҳот энди армон бўлиб, армон бўлиб яшайсан,
Шеърларимда сен бокира жонон бўлиб яшайсан,
Менинг оғир кунларимда дармон бўлиб яшайсан,
Юрагимда бир умрлик фармон бўлиб яшайсан.

Ўртамиздаги хурмат муҳаббатга айланди,
Билмам кўнглим, эй фаришта қандай сенга бойланди,
Дадил бориб сўрай десам, сўрай десам қўлингни,
Тортинаман, ўзга инсон боғлаган деб йўлингни.

Баъзан лаънат дегим келур сени учратган кунга
Ўша кундан буён гўё айланганман Мажнунга,
Тушларимда Фарҳод бўлиб тоғдан канал қазийман,
Сен-чи, менга омад дейсан ўхшаб тенгсиз Ширинга.

Билмам қандай севиб қолдим, сенингдайин Лайлони,
Қайга борай излаб шифо, қай давони,
Икки ўт орасида мен ёлғиз қовриламан.
Ё ҳаётдан кўз юмайму, тарк этайму дунёни.

Ё раб, ахир юрагимни мен кимларга асрабман,
Оромим йўқ бу бағримни ўт ичига ташлабман.
Сен Нодира, ё Увайсий, балки Зебунисосан,
Мен эса бу оламда йўл топмаган Машрабман.

* * *

Тангрим, иймонимиз шайтон олдиму,
Ор-номусни пулга сотдик, ибо қолдиму,
Қизларимиз турмуш кўрмай, бола аллалар,
Айтинг, унда ўз ёрига вафо қолдиму.

Қариялар Оллоҳдан иймон сўрайди,
Ёшларга поклигу виждон сўрайди.
Авлод-аждодимиз бари пок ўтган,
Шунинг-чун жасадин оққа ўрайди.

Асли оқлик билан туғилган инсон,
Оқлик билан у дунёга бўлади равон.
Демакки, шу оқлик каби,
Бизда ҳам покиза бўлсин виждон.

* * *

Мен чўчиб уйғондим, қарасам йўқсан.
Бирдан юрак-бағрим кетди эзилиб,
Нега кетиб қолдинг, ишонмадингми,
Яна етимлигим қолди сезилиб.

Сени деган эдим, энди сирдошим,
Умидла бағрингга кўйгандим бошим,
Тайёр эдим, бермоққа оғзимда ошим,
Нега ундай қилдинг, айт бағритошим?

Уйғотиб, хайр деб кетсанг бўларди,
Нима бўлганини била олмайман,
Йўқотгандаймону сени бир умр,
Ҳижрон азобидан уйғонолмайман.

Бу жисмим азобда, қалбим тўла ғам,
Бу дарднинг давоси ўзинг фариштам,
Унутма, эҳ нима бўлганида ҳам,
Ғафлатда, уйқуда қолмасин Адҳам.



* * *

Жаннат ўлкам буюк султони,
Танда қолмай бугун дармони,
Ларза қилиб бутун саҳрони,
Бобокалон Орол йиғлайди.
Унинг дардин кимлар тинглайди,
Аму билан Сирнинг юраги.
Пучга чиқиб орзу-тилаги,
На кечаркан-а келажаги,
Ахир бугун Орол йиғлайди.
Унинг дардин кимлар тинглайди.
Ўзбекистонимнинг қудрати,
Ҳосил бойлигимиз пудрати,
Беҳол қолмай асло журъати,
Бугун кекса Орол йиғлайди.
Унинг дардин кимлар тинглайди,
Қаҳат энди сувга тўлмайди,
Эсиз, эсиз... Орол йиғлайди!

## СУННАТ ТЎЙ

Ўзбегимнинг бир ажойиб удуми бор,
Тўйларию, дастурхони, тугуни бор.
Фарзанди бор, пойдевори, устуни бор,
Эртаси бор, келажаги, бугуни бор.
Мана бугун жажжи ўғлон суннат бўлар,
Муслим бўлар, Муҳаммадга уммат бўлар.
Ота шодон ўғлим бор, деб тўйлар қилар,
Қувонч чексиз, топганини элга берар.
Тоғасининг топганлари тойда келар,
Насиб этса тоғасидек йигит бўлар,
Мана кўринг бугун ўғли суннат бўлар,
Муслим бўлар, Муҳаммадга уммат бўлар.
Вақти келиб, бир Рустаму достон бўлсин,
Отасига бир паноҳу дармон бўлсин.
Ватанига, онасига ва халқига,
Муҳаббатга бир номусли ўғлон бўлсин.
Мана ўғлон, қўли ҳалол суннат бўлар,
Муслим бўлар, Муҳаммадга уммат бўлар.
Улғай ўғлон, унутмагин сен ўзбексан,
Ватанингу, ўз юртингда ўзинг бексан,
Шукур қилгин, истиқлолнинг мевасига,
Ўтган кунни босиб ўтган Отабексан.
Мана кўринг, кичик бек ҳам суннат бўлар,
Муслим бўлар, Муҳаммадга уммат бўлар!



## СИНФДОШЛАРИМГА

Эй, менинг азиз синфдошларим,
Ҳар ишда керакли йўлдошларим,
Неча йиллик бир партадош дўстларим,
Эшитинглар бу армонли сўзларим.

Бу дунё ўхшаркан мисоли дўкон,
Умр ҳам ўтаркан, кўтариб сурон,
Мен аста сўрадим, савдо аҳлидан,
Улар ҳам кетарди, биз билан ҳайрон.

Ҳеч кимса бўлмаган дунёга устун
Ҳамма ер бағрига киради бир кун.
Қалбларда қолмасин армонли тугун,
Дардлашиб қолайлик, келинг, ушбу кун.

Мўйнанинг қиммати бу қундузники,
Бу кўҳна жаҳон сизу бизники,
Давр суринг дўстлар, даврон сизники,
Ҳаётнинг шарбати ўғил-қизники.

Ўғил-қизнинг роли катта билинг ҳаётда,
Бир-бирингиз ҳурмат қилинг, албатта,
Кам бўлмангиз барчангиз ҳам бахту давлатда,
Қолишмангиз азиз дўстлар ҳусни савлатда.

Биламан, келади, мен ўйлаган кун,
Кекса бўлиб ҳасса ушлаймиз бир кун,
Ёшликда биз бирга юрганларимиз,
Тарих бўлиб қолармикан ана ўша кун.

Менинг азиз ғанимат синфдошларим,
Сизлар учун очиқ бўлсин келажак.
Адҳам ҳам сизларга шу шеъри бирла,
Узоқ умр, бахт-саодат тилажак.

## ЯХШИ ВА ЁМОН

Ҳаётда ёнма-ён ёмон ва яхши,
Яхшилик албатта инсоннинг нақши,
Ёмон бор, яхши бор, бир кўриниши,
Билмайсан, ким яхши, қайсиси ваҳший.

Бўрини бир кўриб, сиз яхши дейсиз,
Одам яхшилигин йиллаб билмайсиз,
Ёнингизда шайтон, парво қилмайсиз,
Сирини ичида сақлаган ваҳший.

Ака-ука бир-бирини ўлдирганлар бор,
Ўз онасин чўлларда қолдирганлар бор,
Улуғбекнинг бошини олдирганлар бор,
Аслида дунёда латифлар ваҳший.

Шоҳлар бор, отасин алдаб қул қилган,
Инсон калласидан иморат қурган.
Ҳатто, одамзотни тирик ёндирган,
Оллоҳдан қўрқмаган Маҳмудлар ваҳший.

Одам боласини бўри емаган,
Халос этса ҳам бола қайтиб келмаган,
Қайтиб келганда ҳам одам яхши демаган,
Бўрича бўлмаган оналар ваҳший.

Лекин афсус, ҳайвоннинг афсус тили йўқ,
Қалбида сири-ю, дилда кири йўқ,
Оламни забт этаман, деган фикри йўқ,
Баъзи одамлардан ҳайвон ҳам яхши.



## ЎТГАН ҲОФИЗЛАРГА

Ўзбек санъатининг сайқалисизлар,
Хотира боғининг ҳайкалисизлар,
Юртим осмонида порлоқ юлдузлар,
Мангуга бош қўйиб кетган ҳофизлар,
Эл учун жон фидо этган ҳофизлар.

Инсон туғилару ва ўлар экан,
Қўшиқ ёзилару айтилар экан,
Молу дунё барчаси топилар экан,
Топилмас дунёга кетган ҳофизлар,
Эл учун жон фидо этган ҳофизлар.

Қайдадур Жўрахон, қани Маъмуржон,
Қани Отажону, устоз Комилжон,
Борми Муҳриддину, булбул Охунжон,
Улар элим учун бўлдилар армон,
Армонли дунёга кетган ҳофизлар.

Элнинг шодлигига ҳамроҳ эдингиз,
Тушда ҳам ўнгда ҳам юртим дедингиз.
Билмадик, шу юртга меҳмон эдингиз,
Бу фоний дунёдан ўтган ҳофизлар,
Эл учун жон фидо этган ҳофизлар.

## ДУШМАН ЧИҚМАСИН

Мендан яхши билган сиру асрорим,
Унга бағишладим вужудим борим,
Оғир кунларимда жонли туморим,
Ўртамизда эди номусим, орим.

Ҳеч кимсани шайтон йўлдан урмасин,
Ҳеч қачон дўстингдан душман чиқмасин,
Дўстлар дўстлашганда Оллоҳ гувоҳдир,
Дўстини алдаган катта гуноҳдир.

Бевафо дўстларнинг жойи дўзахдир,
Дўстсиз инсонлардан жаннат йироқдир,
Дўзах азобидан Оллоҳ асрасин,
Ҳеч қачон дўстингдан душман чиқмасин.

Дўстингнинг дўстлиги кулфатда аён,
Вафоси бўлмаса қўйнингда чаён.
Чаёндан Оллоҳим асрагин омон,
Чаённинг дўстлиги барибир гумон.

Ҳатто, душманимни чаён чақмасин,
Ҳеч қачон дўстингдан душман чиқмасин.
Дўстга садоқатнинг кўп савоби бор,
Дўстсиз кунларимнинг изтироби бор.

Яхши-ёмоннинг ҳам бир жавоби бор,
Оғир-енгил кунда албат дўст даркор,
Дўст-дўстга ишонсин ва тинч ухласин,
Ҳеч қачон дўстингдан душман чиқмасин!



* * *

Нигоҳига тушса кўзим мен дир-дир қалтирайман,
Юрагимга найза санчар тенги йўқ жоду кўзлар.
Ахир гўзал ҳаётнинг ҳокимисиз,эй қизлар,
Юртимизнинг қувончи бўлғуси онасизлар.

Ҳаётдами, эртакда, барибир Баҳодирман,
Муҳаббатим йўлида ҳар бир ишга қодирман.
Аёл билан беллашмоқ бу пасткашлик дер онам,
Юрагимни забт этган мен бир қизга асирман.

Майли ўтсин болалик, қариганда эслайлик,
Лекин ўтган умримизнинг бир қадрига етайлик,
Ҳамиша бор бўлсин болалик — покизалик,
Бизлар жажжи болаларга доим ғамхўр бўлайлик.
Муродига етсин ҳар ким, юзга кирсин ҳар инсон,
Фарзанд бўлиб етишайлик оналарга меҳрибон.

## ЭШИТГАНИМ ЭРТАГИМ

Оймомо, бобо Қуёш
Бирла турмуш қурибди.
Яшабдию ой йиллар,
Битта фарзанд кўрибди.

Фарзандининг исмини
Кенгашиб ер қўйибди,
Бирга яшаб учовлон,
Давру даврон сурибди.

Бир кун эса тўсатдан
Аразлашиб қолибди.
Ой, қуёш икки манзил,
Томонга йўл солибди.

Шунда қуёш бобо ерни,
Ўзи билан олибди.
Буни кўриб оймомо
Қовоғини солибди.

Сулҳ тузибди кенгашиб,
Ер ўрнида қолибди.
Бири кечга, бири кундуз
Қўриқламоқ бўлибди.

Шундан кундуз қуёш бобо
Ер бошини силаркан.
Кечасига Оймомо,
Алла айтиб чиқаркан.



## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Мактабда ўқидик баримиз ўн йил,
Орзулар оғушида турли-турли хил.
Ака-укадайин иноқ ва аҳил,
Бир-биримиздан узмайин кўнгил,
Ажралиш онидир ушбу кун бироқ,
Чалинган чоғида сўнгги қўнғироқ.

Хайр энди, эй азиз, меҳрибон устоз,
Кечиринг, ранжитсак сизларни бироқ.
Қанотингиз остида қалдирғоч эдик,
Эрта кун кўкларга қиламиз парвоз,
Унутмаймиз сизларни устозлар бироқ,
Минглаб чалинса ҳам сўнгги қўнғироқ.

Роппа-роса бундан ўн йил муқаддам,
Мана шу даргоҳда ва мана шу дам.
Етаклаб келганда мактабга онам,
Ҳайрондим, ушлашни билмасдан қалам,
Турардим қувониб, кўзларим чақноқ,
Чалинган чоғида сўнгги қўнғироқ.

Буниси мен учун биринчи эди,
Мактабда ўқимоқ севинчим эди,
Ҳавас-ла қарардим тугатганларга,
Улардек бўлмоқлик илинжим эди,
Осонмас ажрашмоқ, ранжиманг бироқ,
Насиб этсин барчага сўнгги қўнғироқ.

## КИТОБ

Дунёда улуғ китоб,
Ичида илму одоб,
Порлар мисоли офтоб,
Китобсиз одам бетоб.

У ақлингни чархлайди,
Хотирангни сақлайди.
Шунинг учун донолар —
Кўп китоб варақлайди.

Алишернинг бойлиги,
Бобурнинг Худойлиги,
Луқмон Ҳотамтойлиги,
Асли бари китобдан.

Ўзи-ку миттигина,
Ичи тўла хазина,
Бўлган пиру аллома,
Китобдан Ибн Сино.

Шунинг учун болалар,
Китобни асрангизлар.
Китобсиз-йўл тополмай
Адашиб қолмангизлар.



## БУЮК ТУРОН

Ислом юрти бўлган қадимда Турон,
Унда Темур бобом бўлгандир хоқон.
Ватан, юртим дея қанчалаб ўғлон,
Турон учун жонин айлаган қурбон.

Қўлда қуръон, қалбда имон,
Дуо қилинг, жон отажон.
Шу юрт бўлсин, доим омон,
Она юртим, Ўзбекистон.

Ўтди қанча донишманду даҳолари,
Навоий, Улуғбек ва Синолари.
Мададкор Одам Ато ва Момо Ҳаво,
Яссавийдек азизу авлиёлари.

Бу юртда буюк саналар виждон,
Ватан ота-она юракдаги қон.
Алҳамду муслиму ва биз мусулмон,
Расулимиз Муҳаммад алайҳиссалом.

## ЭРТОШ НАВОЛАРИ

Ҳув оқтовда гўзал Эртошсойим бор,
Тепасида нурли қуёш, ойим бор,
Оқтов узра Иймонқулнинг руҳи яшар,
Мадад бериб тургувчи бир Худойим бор.
Ўлан айтиш Эртошсойга одат бўлган,
Ўлан айтиб элу юртнинг кўнглин олган,
Ўша ерда ўланчилар сардори бор,
Ўлан айтиш Иймон деган чолдан қолган.
Сизга айтсам гапнинг лўнда ва сарасин,
Мен ҳам ўшал Иймонқулнинг невараси.
Қўлга олиб қоғоз билан қаламимни,
Зўр ўланчи бўлган отам Иймон охун,
Бир гапирса бўлмас эмиш ёпиб жағин.
Аччиқ сўзим танангизга бигиз суқса,
Адҳамжондан хафа бўлиб юрманг тағин.
Қурамамнинг ўланини сайратаман,
Қизиқ бўлиш учун сўзни қийратаман.
Қурамамнинг баъзи сўзи тиғдай ўткир,
Ўлан билан чол, кампирни уйғотаман.
Қурамам, бир қарсак чалиб қўясиз-ов,
Сўзим ёқса бир бақириб қўясиз-ов,
Ҳа, деган ҳам туяга бир мадад экан,
Йўқса, менинг уволимга қоласиз-ов!



## АЙТИШУВ

- Сўзамоллик авлодиму қонимда бор,
Эл қатори бир париваш ёнимда бор.
Сен менга-ю, мен сенга бўлдик интизор,
Қани, ўлан айтишайлик, кўзи хумор!

- Хўп, оғажон, сиз у томон, мен бу томон,
Мен розиман, сиз-лан ўлан айтишаман,
Ҳадигим бор, шу, мот бўлиб қоласиз-ов,
Белим бойлаб Ойбарчиндай тортишаман.

- Қураманинг урф-одати, мероси бор,
Юрагимнинг тубида бир яраси бор,
Кенг даврада ўлан айтсам малҳам бўлар,
Айтинг, бундан бошқа қандай давоси бор?

- Оғажоним, сизга ўзим табиб бўлай,
Исириғлай, айлантириб кинна солай,
Кўринишдан, аҳволингиз сал оғир-ов,
Чидаб туринг, дардингизни ўзим олай.

- Худо сени бир жўнатди қарасин деб,
Жамолини бир кўрсин деб, сўрасин деб,
Шунинг учун хафа бўлма, айб ўзингда,
Рўмол берган яшасин-у, ўрасин деб.

- Жоним оғам тил теккизманг рўмолимга,
Кетиб қолсам, хўп қоласиз уволимга,
Шунинг учун ийиб-ийиб суҳбат қилинг,
Пайғамбар ҳам етолмаган жамолимга.

- Нима учун рўмолингни ўрамайсан,
Жаҳлим чиқди, ҳатто узр сўрамайсан,
Мен айиққа, сен оҳуга ўхшайсан-ов,
Қўрқаман, шу бир силтовга ярамайсан.

- Айиқман, деб оғажоним урмагин доғ,
Айиқда ҳам гавда бор-у, фаросат йўқ.
Шунинг учун кўп гапириб ўтирмайман,
Туяга ҳам тушунади, десангиз «Чўк»!

-Ўлан айтсам сўзим сўзга эшилади,
Ҳатто, туя бир-бири-ла қўшилади.
Нима, менинг туячалик қадрим йўқми,
Буни эслаб юрак-бағрим эзилади.

- Нима бало, мен сизга оқ туяманму?
Алдасангиз кўк сигирдай ияманму?
Қуриб кетсин, бу пешанам шўр бўлмаса,
Келиб-келиб сиз аҳмоққа тияманму?

- Отамники шу манзилу мана шу тов,
Бахтли қилгум, қўйимни боқ, сигирим сов.
Меҳнатимга, ҳимматимга чидамасанг,
Борақолгин, мен розиман, бошқасин тов!

- Қолган бўлса бунинг бари отангиздан,
Бир хулоса чиқарволинг хатонгиздан,
Туришингиз, кимлигингиз менга маълум,
Кечиворсам не бўлади, ҳатто сиздан?

- Насабимни сўраб кўргин, наслимиз зўр,
Шунинг учун бу бошингга бир ўйлаб кўр,
Топганинг ҳам жуда бўлса мендек бўлар,
Энам айтган эркакларнинг бари бир гўр.

- Мен биламан, бари эркак бир бўлади,
Аёлларни кўрса бирдек қул бўлади,
Оғажоним, камтаргина насиҳатим,
Ор-номусли эркаккина ул бўлади!

- Отам айтган, аёл зоти шум бўлади,
Устун келсанг, шундагина жим бўлади,
Ялинмагин, бўшлигингни билиб олса,
Ношукурлар бўйнингга ҳам минволади.

- Оғажоним, қачонгача беллашамиз,
Ор-номус деб иккимиз тенг курашамиз,
Ҳар нарсанинг охири-ю, поёни бор,
Насиб этса, яна бир кун учрашамиз!



## СИРЛАРИНГНИ БИЛМАДИМ

Дўст деганим бир куни душман чиқар,
Гул деганим ҳидласам тикан чиқар,
Кимдир тегирмондан ҳам бутун чиқар,
Ажиб дунё, сирларингни билмадим,
Ҳар қадамда бунга жавоб изладим.

Укам десам айланади ғанимга,
Ҳалос этсам қасд қилади жонимга.
Эҳ, одамлар дўст бўлади нонимга,
Ажиб дунё, сирларингни билмадим,
Ҳар қадамда бунга жавоб изладим.

Дейишади аслида гап пулдамас,
Бойиб кетсам ёру дўстим ухламас,
Ғариб бўлсам мени ҳеч ким йўқламас,
Ажиб дунё, сирларингни билмадим,
Ҳар қадамда бунга жавоб изладим.

Одамзоднинг қўл-оёғи бир экан,
Қалби ўзга, дунё тўла сир экан.
Дўстни оғир кунда синаб кўр экан,
Ажиб дунё, сирларингни билмадим,
Ҳар қадамда бунга жавоб изладим.

Тангри инсоф берсин ҳар бир инсонга,
Мард ўлдирсин, кун қолмасин ёмонга,
Адҳам, қулоқ тутгин фақат виждонга,
Ажиб дунё, сирларингни билмадим,
Ҳар қадамда бунга жавоб изладим.

## МУНДАРИЖА


«Мен бу дунёни» ........ 3
Ватан — орим менинг ........ 4
Хуррият ........ 5
«Етди бугун» ........ 6
Сўз сеҳри ........ 7
Омонат ........ 8
Эл севган шоир ........ 9
Сўнмас юлдуз ........ 10
Онажон ........ 11
Изтироб ........ 11
Алмашмайман ........ 12
Маккаю Мадинам онам ........ 13
Оқибат ........ 14
Жон берган онам ........ 15
Буюклик тимсоли ........ 16
Отамдан қолган ........ 17
Маҳалламга эҳтиром ........ 18
Отам хотирасига ........ 19
Бошим силаган ........ 20
Отажоним ........ 21
Жаннатим онам ........ 22
Дуо қиласиз ........ 23
Биламан борсан ........ 24
Меҳр кучи ........ 25
Аёл муқаддас ........ 26
Бой қизга ........ 26
Қалбдаги озор ........ 27
Ёлғиз аёлга ........ 28
«Қайга бормай ...» ........ 29
Кумушлар борму? ........ 30
Учратдим бир бор ........ 31
«Тангрим, иймонимиз шайтон олдиму» ........ 32
«Мен чўчиб уйғондим» ........ 32
Жаннат ўлкам ........ 33
Суннат тўй ........ 34
Синфдошларимга ........ 35
Яхши ва ёмон ........ 36
Ўтган ҳофизларга ........ 37
Душман чиқмасин ........ 38
«Нигоҳига тушса...» ........ 39
Эшитганим эртагим ........ 40
Сўнгги қўнғироқ ........ 41
Китоб ........ 42
Буюк Турон ........ 43
Эртош наволари ........ 44
Айтишув ........ 45
Сирларингни билмадим ........ 47



**АДҲАМ ТУРСУНҚУЛОВ**

# СИРЛАРИНГНИ БИЛМАДИМ

*Шеърлар*

Муҳаррир *Н.Боймирзаев*
Техник муҳаррир *Ф.Раҳимов*
Мусаҳҳиҳа *С.Рихсиева*

IB № 08-222

Босишга рухсат этилди 8.08.2005 й. Бичими 60S84 $^1/_{16}$. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 2,79. Нашр босма табоғи 3,0. Жами 1000 нусха. Буюртма № 356. Шартнома №08-2005. Баҳоси келишилган нархда.

«MERIYUS» ХНМК босмахонасида чоп этилди. Тошкент. Ген. Узоқов, 2а.